БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 70 (16.456). | 26 март 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

▲ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАР БИР КУНИНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК

▲ 17 АПРЕЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИҚ КУНИ

▲ МУСОБАҚА — ҚУДРАТЛИ КУЧ

▲ ДЕҲҚОН БАҲОРИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

## ҚУРУВЧИ—БУНЁДКОР

Ардоқланиб бунёдкор деб аталмиш қутлуғ касб эгалари борки, улар экономикамизнинг турли тармоқларини жадал юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар. Улар — ҳисоб билан иш тутувчи лойиҳачилар, улар — коржома кийган қурувчилар, монтажчилар, иши рассомникига қиёс қилгулик бўёқчилар, девқомат машиналарни измига солган механизаторлар. Чин маънодаги бунёдкор бўлган ана шу кишилар ўз табиатига кўра янгиликка йўл очувчи ажойиб касб эгаларидир. Улар янги завод-фабрикалар, фойдаланишга қулай тўкис уй-жой бинолари тикламоқдалар, обод шаҳар, посёлкалар қурмоқдалар, чўлларни асрий уйқудан уйғотиб янги ерлар ўзлаштирмоқдалар, улкан сув иншоотлари, маданий-маиший объектлар барпо этмоқдалар.

Жонажон партиямиз ва ҳукуматимиз мамлакатимиздаги барча кишилар қатори қурилиш-монтаж ташкилотлари ишчи-мутахассисларининг ҳам моддий-турмуш даражасини янада яхшилаш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ана шундай ғамхўрликка жавобан бинокорлик ташкилотларининг меҳнаткашлари партия планларини рўёбга чиқариш ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар, ташаббускорлик, новаторлик намуналарини кўрсатиб, ишлаб чиқаришда янгидан-янги зафарларни қўлга киритаётирлар. Партия XXV съездининг ўнинчи беш йиллик юзасидан белгилаган режалари қурилиш-монтаж ташкилотлари меҳнаткашларининг ғайрат-шижоатини ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборди. «Капитал қурилишга келганда, ҳозирги кун вазифалари тўғрисида гапириладиган бўлса, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги Ҳисобот докладида. — бутун куч-қувватни 1976 йилда ишга туширилаётган объектларга тўплаш ва бу объектларни йил охирида эмас, балки планда белгиланган аниқ муддатларда ишга туширишдир. Янги ишга туширилган корхоналарда лойиҳада белгиланган нўрсатгичларга эришиш муддатлари ҳусусида ҳам шу гапни айтиш керак».

Бу кўрсатма ўзбекистонлик ҳар бир қурувчи, монтажчи ва лойиҳачининг қалбидан чуқур жой олди. Республикамиз бинокорлик ташкилотлари коллективлари партия съезди қарорларини амалга оширишда учун қизғин кураш бошлаб юбордилар. Қурувчилар, монтажчилар, бинокорлик саноати ходимлари ўз имкониятлари ва резерврларини ҳисобга олиб оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш тадбирларини кўрмоқдалар. Бинокорларимиз ўтган беш йилликнинг мамлакатимиз тарихида энг яхши беш йиллик бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Тўқкизинчи беш йилликда республикамизда бинокорлик ишлари учун сарфланган капитал маблағлар салкам 19 миллиард сўмликни ташкил этди. Бу эса шундан авваги икки беш йилликда сарфланган капитал маблағга қарийб тенгдир. Давлат маблағлари ҳисобига қуриб ишга туширилган асосий фондлар саккизинчи беш йилликдагидан 1,5 баравар кўп бўлди. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган юздан ортиқ йирик корхона ва объектлар ишга туширилди. Халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор корхоналар жуда қисқа муддатларда қуриб тамомланди. Химия, олтин саноати, конметаллургия, энергетика каби муҳим тармоқларда янги қувватларни барвақтроқ фойдаланишга топшириш таъминланди.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишини тезлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Маблағ билан таъминлашнинг барча ресурслари ҳисобига жами 25 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. 714 минг ўринли мактабларга, 215 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари тикланди. Давлат маблағлари ҳисобига мактаблар қуриш аввалги беш йилликдагига нисбатан 2,3 баравар, мактабгача болалар муассасалари бунёд этиш 1,6 баравар кўпайди. Пахтачиликни янада юксалтиришга имкон берадиган 460 минг гектардан зиёд янги ерлар ўзлаштирилди. Бу, қурувчиларимизнинг катта муваффақияти, партия режаларини рўёбга чиқариш учун қилинган мардона меҳнатнинг самарасидир.

Шунисн диққатга сазоворки, қурувчи ва монтажчилар ўтган беш йилликда бинокорлик ишларини ташкил этиш, мадаллаштириш соҳасида катта тажриба тўпладилар. Бу тажриба ўнинчи беш йиллик вазифаларини амалга оширишда жуда қўл келади. Янги беш йилликда капитал қурилиш ишлари кўлами яна ҳам кенгаяди. Республикада капитал маблағ сарфлашнинг умумий ҳажми 22 миллиард сўм қилиб белгиланмоқда. Енгил саноатга капитал маблағ сарфлаш 1,5 баравар, озиқ-овқат саноатига 25 процент, қишлоқ хўжалигига 25,8 процент, уй-жой қурилишига 10 процент, маориф ва маданиятни ривожлантиришга 33,1 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мақсадлари учун 32,7 процент ортади. Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Бу улкан вазифаларни муваффақиятли адо этишда комплекс механизациялаш, Николай Злобин методи деб юритилаётган бригада пудрат усулидан яна ҳам кенг фойдаланиш зарур.

Бинокорлик ишларининг бугунги кўлами қурилиш-монтаж министрликлари, идоралари, лойиҳалаш ташкилотлари ва партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларидан қатъий чоралар кўришни талаб қилади. Аввало, капитал маблағларни планлаштириш ва шу маблағлардан фойдаланишга ёндашишнинг ўзини ўзгартириш, ишлаб турган корхоналар билан янги қурилаётган корхоналарни бир бутун комплекс сифатида планлаштиришни таъминлаш лозим. Капитал маблағлар умуман янги объектлар учун эмас, балки планда белгиланган маҳсулотни кўпайтириш учун ажратилиши керак. Моддий-молиявий ресурсларни биринчи галда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун— янги объектлар қурмай туриб ёки озроқ капитал маблағ чиқим қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мумкин бўлган соҳаларга сарфлаш нераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Бу, бинокорликнинг бош йўналиши деб ҳисобланиши ва шунга қатъий амал қилиниши зарур. Тез, тежамли, замонавий техника асосида қуриш капитал қурилишда юксак самарадорликка эришишнинг шарти бўлиб қолиши керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бинокорлар коллективларида олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил этиб боришлари, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда хўжалик органларига яқиндан ёрдам кўрсатишлари лозим. Янги беш йилликнинг дастлабки квартали тугамоқда. Республика қурилиш-монтаж ташкилотлари партия XXV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун мусобақани авж олдириш натижасида инки ойда ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 5 процент кўп капитал маблағ ўзлаштириб, қурилиш-монтаж ишларини 4 процент ортиғи билан бажарган бўлсалар ҳам, ҳали ишда катта камчиликлар борлигидан кўз юма олмаймиз. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 8-, «Алмаликсвинецстрой», Қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-, «Главташкентстрой»нинг «Висотстрой» трестлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар у ёқда турсин, ҳатто давлат планларини ҳам бажармадилар. Бу эса ҳар бир бинокорлик коллективида олинган мажбуриятни бажаришни таъминлаш учун зарур чоралар кўриш лозимлигини таъкидлайди.

Ўнинчи беш йиллик ўз характерига кўра самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Барча ишларимизнинг самарадорлиги ва сифати учун курашмоғимиз зарур. Сир эмаски, айрим қурилиш-монтаж ташкилотларида план учун қайғуриб, сифат кўрсаткичларига унча эътибор берилмаяпти. Техника воситаларидан самарали фойдаланилмаётир. Бугунги кунда иш вақтининг зое кетиши, механизмларнинг, транспорт воситаларининг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик, юк ортиш-туширишдаги ҳамда пардозлаш ишларини механизациялаштиришни кучайтириш долзарб вазифалардандир. Ана шундай камчиликларнинг олдини олиш йўли билан беш йилликда қурилиш ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини 29-32 процент юксалтиришни таъминлаш мумкин. Қурилишда бракка қаршн, материалларни авайлаб, тежаб-тергаб сарфлаш учун курашни астойдил кучайтириш зарур. Бинокорлик ташкилотлари топшириқларининг бир маромда бажарилишини таъминлаш, қувватлар ва объектларнинг халқ хўжалиги плани ва титул рўйхатларида белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш чораларини кўришлари керак.

Беш йиллик бошиданоқ қурилиш ишлаб чиқаришининг бош масалалари билан астойдил шуғулланиш талаб этилади. Бинокорлик ишларини илмий жиҳатдан асосланган планлаштириш йўли билан битказилмаган қурилишлар ҳажмини камайтириш, маблағларни сочиб юбормасликка эришиш лозим. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида таъкидланганидек, кооператив уй-жой қурилиши ҳажми кўпайтирилиб, ничик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишига ёрдам кўрсатиш зарур.

Ўнинчи беш йиллик улуғвор вазифаларини ҳал этиш юксак уюшқоқликни ва фидокорона меҳнатни, ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб қилади. Шубҳа йўқки, қурувчилар, монтажчилар, лойиҳачилар, бинокорлик материаллари саноати ходимларининг шонли отряди социалистик мусобақани авж олдириш асосида янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар.

Республикамизнинг донгдор механизатори, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобошер Шовқиев раислик қилаётган Пахтачи районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 1918 гектар майдондан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олганлар. Улар мўл ҳосилга пухта замин яратиб, ерга уруғ ташлашни бошлаб юборишди. Сеялкачилар чигит экишни етти иш кунида тугаллашмоқчи. Суратда: колхоз раиси Б. Шовқиев ва механизатор Я. Муҳаммадиев ўртоқлар.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

## ЯКДИЛЛИК БИЛАН

**Республикамиз пойтахти Тошкент корхоналарида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказишнинг режалари белгилаб чиқилмоқда.**

◆ ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ЗАВОДИНИНГ ишчи-хизматчилари 17 апрелда иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига ишлашга қарор бердилар. Куни кеча коммунистик шанбаликни ўтказишга бағишлаб митинг бўлиб ўтди. Завод партия комитетининг секретари Г. Сочихин ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб москваликлар ташаббусини маъқулладилар. Шу куни корхонада иқтисод қилинган хом ашё ва электр энергия ҳисобига 200 кубометр йиғма темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари 10 тонна товар арматураси, 250 куб метр бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

◆ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ тикувчилари ва ишчи хизматчилари шанбалик куни юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун тадбирлар белгилашди. Шу куни коллектив 2500 та пальто тайёрлашга карор қилди. Ишлаб топилган барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

◆ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ коллективи шанбалик куни 160 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Ҳар бир ишчи ўз нормасини ошириб бажариш учун қўшимча мажбуриятлар олди.

◆ ТОШКЕНТ ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИНИНГ тайёрлов цехида бўлиб ўтган йиғилишда илғор ишчилардан Ю. А. Минашев, И. А. Тарасов ва бошқалар сўзга чиқиб, «Қизил шанбаликни зўр ютуклар билан нишонлашга ўз ҳамкасбларини чақирдилар. Коммунистик шанбалик куни тежаб колинган ёнилғи ҳисобига пландан ташқари ярим миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташиб берилади, барча маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

## ФАРҒОНАДА ЧИГИТ ЭКИЛА БОШЛАНДИ

Фарғона областининг хўжаликлари чигит экишга киришдилар. Олтиарик районидаги «Пахтаобод» колхозининг Х. Дадасатторов бошлиқ бригадаси механизаторлари биринчи бўлиб далага экиш агрегатларини олиб чиқдилар. Улар яхшилаб ҳайдалган ва нам тўпланган тупроққа «Тошкент-1» нав пахта уруғи ташламоқдалар, айни вақтда минерал ўғит ҳам солмоқдалар.

Олтиариқ районидаги «Москва», М. Горький номли колхозларнинг механизаторлари ҳам чигит эка бошладилар. (ЎзТАГ).

# БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР СУРЪАТ!

## ЗАФАР САТРЛАРИ

### ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

**БИРУНИЙ.** («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Райондаги Бируний номли совхоз чорвадорлари КПСС XXV съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бердилар. Совхоз чорвадорлари йиллик гўшт тайёрлаш планини шараф билан бажардилар. Давлатга 90 тоннадан ортиқ гўшт топширилди. Улар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида яна 10 тонна гўшт топширишга аҳд қилишди.

### ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

**Хива** районн чорвадорлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириб, дастлабки муваффақиятга эришдилар. Улар давлатга планда белгиланган 565 тонна ўрнига 570 тонна сут топшириб биринчи квартал учун белгиланган топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан 117 тонна кўп сут тайёрланди. Фрунзе номли, Бируний номли, Ленин номли, Огаҳий номли колхозлар сут етиштиришни кўпайтиришга баракали ҳисса қўшдилар.

* * *

Қўшкўпир районн паррандабоқарлари давлатга 300 минг дона тухум топшириб, биринчи квартал планини ортиғи билан уддаладилар. Киров номли, Чапаев номли ва Охунбобоев номли колхозларнинг паррандачилари бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

(«Совет Ўзбекистони» мухбири).

Колхозимиз меҳнаткашлари партиямизнинг XXV съезди материалларини пухта ўрганиб, унда қўйилган муҳим вазифаларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар белгиламоқдалар. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да баён қилинган қимматли фикрлар ҳар биримизнинг дилимиздаги гапларидир.

Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи ҳамда бошқа материаллар пахтакорларимизни ердан, сувдан тўла ва оқилона фойдаланишга, гектарлардан олинадиган пахта ҳосилдорлигини оширишга, фойдаланилмай ётган резерв ва имкониятларни ишга солишга даъват этмоқда.

Бригадамиз аъзолари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай катта қийинчиликларни енгиб, гектардан 65,1 центнердан, жами 274 тонна «оқ олтин» етиштирдилар. Бу социалистик мусобақанинг катта самарасидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бўйича колхоз партия ташкилоти ва колхоз правленеси мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Бригадалараро социалистик мусобақа янада қизитиб юборилди. Колхозимизда, шу жумладан, бригадамиздаги мавжуд экин майдонлари яхоблан чиқарилди. Ҳар гектар майдон ҳисобига 18 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Ер текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит жамғариш ишлари охирига етказилди. Бу комплекс ишларни бажаришда колхозимизнинг Қурбонбой Холлиев, Хушрўй Янгибоева сингари фидокорлари, айниқса, намунали меҳнат қилишди. Ерларнинг шўрини ювишда Қодир Маҳмудов, Янгибой Ражабов сингари сувчилар тунни тонгга улаб намунали меҳнат қилишди. Натижада, барча майдонларимиз бир текисда сувдан чиқарилди. Мавжуд техника ҳам ремонт қилиниб, экишга шай турибди.

Бу йил колхозимиз бўйича мавжуд пахта майдонларидан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш кўзда тутилмоқда. Мен бошлиқ бўлган бригада аъзолари эса 42 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 67 центнердан дур кўтариш мажбуриятини олиб, бу ҳосилга замин яратиб қўйишди. Ваъдаларимиз устидан чиқишда социалистик мусобақа қудратли куч бўлиши турган гап.

**Ўрозбой МАТКАРИМОВ**
**Бируний районидаги «Правда» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи.**

## МУСОБАҚА АСОСИДА

## ЭКИШ ҚИЗҒИН

◆ **БУХОРО**

Конимех районидаги Тельман номли совхоз механизаторлари арпа, беда ва судан ўти экишни Бухоро областида биринчи бўлиб тугалладилар. Бу йил ана шу экишлар хўжаликда 546 гектар майдонга, ўтган йилдагидан 50 гектар кўп ерга экилди. Областдаги Свердлов, Қизилтепа ва бошқа районларнинг хўжаликларида ҳам экиш суръатлари кун сайин кучайтиришмоқда.

Зарафшон водийсида бошланган илиқ кунлар сабзаватчиларнинг экиш ишларини авж олдиришларига қулайлик туғдирмоқда. Бухоро шаҳри яқинидаги Фрунзе номли совхоз деҳқонлари очиқ тупроққа эртаги карам кўчатини ўтказишни, картошка ва пиёз экишни тугалладилар.

◆ **ТОШКЕНТ**

Пойтахт областидаги Оржоникидзе, Тошкент, Калинин районлари ва бошқа районларнинг ихтисослашган хўжаликлари далаларида эртаги картошка экишга киришилди. Деҳқонлар техникадан кенг фойдаланмоқдалар — серунум машиналар далага чиқарилди. Бу машиналарнинг ишлаши учун қарийб икки минг гектар ер ёки эртаги картошка экиладиган майдоннинг 3,1 қисми ажратилди.

Бу йил областда эртаги ва кечги картошка экиш учун 8750 гектар ёки ўтган йилдагидан 1750 гектар кўп майдон ажратилди.

◆ **ТУРТКУЛ**

Райондаги Димитров номли колхознинг А. Аннаев бошлиқ ем-хашак тайёрловчи бригадаси беда экишга ўтган йилдагидан ўн кун илгари киришди. Хўжаликда ёш бедапоялар учун 90 гектар ер ажратилди. Кўп йиллик ўтлар алмашлаб экиш майдонларига экилади.

Деҳқонлар бу йил янги ва эски бедапоялардан камида 800 тонна ёки илгари ўриб олинганидан анча кўп пичан йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўплами бешинчи нашрининг 21-томини ўзбек тилида нашр этди. Асар таржимасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали нашрга тайёрлади.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва комсомол органларида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Александр Михайлович **Борисенкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## СПОРТ БЕШ ЙИЛЛИГИНИНГ ДАДИЛ БОШЛАНИШИ

Физкультура ва спорт — коммунизм қураётган совет кишисини тарбиялашнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети 25 март куни чақирган республика кенгаши Ўзбекистонда физкультура ва спортнинг аҳволи ва уни КПСС XXV съезди қарорлари асосида янада ривожлантириш чораларига бағишланди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, область халқ маорифи бўлимларининг мудирлари, касаба союз комсомол ва физкультура активи, бир канча корхоналар, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларининг раҳбарлари ҳамда улардаги партия ташкилотларининг секретарлари, матбуот, телевидение ва радио ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

Докладда ва нотиқларнинг нутқларида КПСС Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг физкультура ва спорт масалаларига доир қарорлари кандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Бу ишда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари орттирган тажриба умумлаштирилди, спорт комитетлари ва жамиятларининг фаолияти таҳлил қилинди, партия XXV съезди қарорлари асосида жисмоний тарбияни янада яхшилаш йўллари белгиланди.

Кенг оммаанинг физкультура ва спорт билан шуғулланиши социалистик турмуш тарзининг ўзига хос хусусияти эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ишда Бутуниттифоқ «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» физкультура комплекси етакчи роль ўйнаши лозим. Спорт базаларидан фойдаланишни яхшилаш, янги стадионлар, сузиш ҳавзалари, майдончалар қурилишини тезлаштириш зарур. Физкультура ва спорт машғулотларига жуда кенг меҳнаткашлар оммасини, ўқувчи ёшларни жалб этиш лозим.

Оммавийликни фан ва илғор тажриба ютуқлари билан бирга қўшиб, аниқ мақсадни кўзловчи тарбиявий ва таълим-машқ ишини кучайтириш ҳамма поғоналардаги мусобақаларда республикамиз, мамлакатимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчилар маҳоратини янада ўстиришга ёрдам беради.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Ғ. А. Абдураҳмонов, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. П. Шендрик, Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов, республика от спорти ва замонавий бешкураш олий спорт маҳорати мактабининг директори В. П. Карбанков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зоидов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Г. Ғафурконов, Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси А. М. Ҳожибоев ўз нутқларида физкультура ва спортни ривожлантиришнинг турли проблемалари ҳусусида гапирдилар.

Кенгашда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павлов сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кенгашда катта нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлаон И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ПАША АНГЕЛИНА ИЗДОШЛАРИ

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, тармоқ касаба союзи марказий комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг карорига биноан мамлакатнинг бошқа илғор механизатор хотин-кизлари қатори Олтиарик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси Раъно Каримова билан Гулистон районидаги «Коммуна» колхози пахтачилик бригадасининг раҳбари Саодат Тоштемирова П. Н. Ангелина номидаги Бутуниттифоқ меҳнат шуҳрати соврини билан мукофотландилар. Улар 1975 йилда ҳосил теримида юксак натижаларга эришганликлари, кизларни трактورда, пахта териш машинасида ишлашга жалб килиш соҳасидаги актив ишлари учун шу мукофот билан такдирландилар.

Ленин орденли коммунист Р. Каримова бултур машина бункеридан пландаги 120 тонна ўрнига 225 тонна пахта тўкди. Ундан чамуна олган кўпгина колхоз кизлари ҳам механизатор бўлиб етишдилар. Раъно далада ишлаш билан бирга Андижон пахтачилик институтида сиртдан ўкимокда. КПСС аъзоси С. Тоштемирова бригадаси 1975 йилда 128 гектар кўрик ерда пландагидан деярли икки баравар кўп пахта ҳосили олди, ҳосилнинг 92 процентини машинада терди. (ЎзТАГ).

ҲАР БИР КОММУНИСТ, МУШТАРАК ИШИМИЗ УЧУН ЖОН КУЙДИРАЁТГАН ҲАР БИР КИШИ ПАРТИЯ ДИРЕКТИВАЛАРИНИ ОҒИШМАЙ АМАЛГА ОШИРИШИ, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙИШИ, ШУНДАЙ ВА ФАҚАТ АНА ШУНДАЙ ИШЛАШИ ЛОЗИМ.

*Л. И. БРЕЖНЕВ.*

# ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ— БИЗНИНГ РЕЖАЛАРИМИЗ

## *ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ*

### Қорақалпоғистон АССР

Қорақалпоғистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари шу кунларда КПСС XXV съезди қарорларини, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган Ҳисобот докладида баён этилган қоидалар ва ҳулосаларни жонажон Коммунистик партия учун фахрланиш ҳисларига тўлган ҳолда муҳокама қилмоқдалар. Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг 24 март куни Нукусда бўлиб ўтган актив йиғилиши съезд иши якунларига бағишланди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида йиғилишнинг фахрий президиумига сайладилар.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов «КПСС XXV съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада ошириб юборди. Ишлаб чиқариш коллективларида оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Бу мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ўнинчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари уддаланишини таъминлайди, маҳсулот сифатини яхшилашга, самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар йиғилиш қатнашчилари диққат-эътиборини янги беш йилликда олдинда турган иқтисодий-сиёсий ва хўжалик вазифаларига қаратдилар. Ўнинчи беш йилликда автоном республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 40 процент ошириш мўлжалланмоқда. Бу ерда янги корхоналар, темир йўл тармоқлари, тош йўллар, маданий-маиший объектлар қурилади, электротехника ва тўқимачилик тармоқлари вужудга келади.

Йиғилишда ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили яхши бошланганлиги қониқиш билан қайд қилинди. Шу билан бирга сўзга чиққан нотиқлар ишлаб чиқаришни тез тараққий эттиришга ҳалақит берайтган баъзи камчиликлар ҳам борлигини таъкидлаб, уларни тугатиш юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шу йилнинг ўтган икки ойи ичида автоном республикадаги 6 та корхона ишлаб чиқариш планларини бажара олмади. 21 та корхонада эса меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Шунингдек, Тахиатош гидроузелининг 2-навбати қурилиши жуда суст олиб борилмоқда. Амударё суғориш системаси бошқармаси икки ой ичида бир гектар ҳам ерни ўзлаштиргани йўқ. Бу камчиликларни тугатиш учун кураш бошлангич партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг муҳим вазифасидир.

Ўнинчи беш йилликда автоном республика қишлоқ меҳнаткашлари олдида янада катта вазифалар турибди. Янги беш йиллик қўриқ ерларни кенг кўламда ўзлаштириш беш йиллиги бўлади. Элликқалъа, Ёнбошқалъа, Қумжиққин массивларини ўзлаштириш тез суръатлар билан давом этади. Бу йил Қорақалпоғистон пахтакорлари Ватанга камида 400 минг тонна «оқ олтин» топширадилар. Ўзлаштирилаётган Элликқалъа массивининг ўзида 20 минг тонна пахта етиштирилади.

Амударё этакларида йирик шоликорлик районини барпо қилиш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Шоли майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни йил сайин ошира бориш шоли етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидир. Шу йилнинг ўзида автоном республика давлатга 200 минг тонна шоли етказиб беради.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Тўрткўл ва Хўжайли район партия комитетларининг биринчи секретарлари Қ. Нуримбетов, П. Холмуродов, автоном республика қишлоқ хўжалик министри С. Тўрамуродов, Бируний районидаги Охунбобоев номли совхоз бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати И. Қутимова, Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз директори, КПСС XXV съезди делегати У. Қурбониёзов ва бошқа ўртоқлар қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун амалга ошириладиган вазифалар ҳақида тўхталдилар. Масалан, автоном республикада шоличиликни ривожлантириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, механизатор кадрлар тайёрлаш ишини янада яхшилашни талаб қилади. Шунингдек механизациялашган йирик чорвачилик комплекслари вужудга келтириш, беш йиллик охирига бориб чорвачиликни саноат негизига тўла кўчириш зарур.

Йиғилишда идеология ишини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Партия ташкилотлари ва барча коммунистлар съезд қарорларининг кенг пропаганда қилинишини таъминлашлари зарур.

Йиғилиш қабул қилган резолюцияда Қорақалпоғистон коммунистларининг КПСС XXV съезди қарорлари, партиямизнинг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаганликлари ўз аксини топди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. М. Матчонов нутқ сўзлади.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### СИРДАРЁ

Сирдарё область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини ўзларининг жанговар программаси сифатида қабул қилмоқдалар ва уни амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солишга тайёр эканликларини намойиш этмоқдалар. 24 мартда бўлиб ўтган область партия активи йиғилишида ана шу нарса ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Партия активи йиғилишида область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров «КПСС XXV съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ўнинчи беш йилликда область халқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталдилар. Партия XXV съезди қарорларига асосан янги беш йилликда Сирдарё областида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми деярли уч баравар кўпаяди. Бунда энергетика ва пахта тозалаш саноати тармоқлари асосий ўринни эгаллайди. Шу даврда мобайнида областда бир қанча янги саноат корхоналари барпо этилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпаяди, сифати яхшиланади.

Партия активи йиғилишида сўзга чиққан Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Маҳмудов, «СирдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси партия комитетининг секретари А. Неустроев, «Сирдарьязаготхлопкопром» бирлашмасининг директори К. Шоднев ва бошқа нотиқлар КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, область халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан ўнинчи беш йиллик учун белгиланган планларни муваффақиятли бажариш вазифаларига алоҳида тўхталдилар, шу ҳақда ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

Ўнинчи беш йилликда Сирдарё области қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида катта ҳажмда капитал маблағлар сарфланади. 1976—1980 йиллар ичида бу ерда 41 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. 28 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. 8 минг гектар экин майдонлари капитал текисланади. Ана шундай муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши, ер, сув, ўғит ва техника ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига 1980 йилга бориб областда пахта етиштириш салмоғи 450 минг тоннага етказилади.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар меҳнат коллективлари томонидан КПСС XXV съезднинг тарихий қарорлари баланд руҳ билан кутиб олинганлиги, шу кунларда съезд материаллари зўр қизиқиш билан ўрганилаётгани ҳамда съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланаётгани ҳақида гапирдилар.

— Партиямизнинг тарихий XXV съезди қарорлари районимиз меҳнаткашларини янги муваффақиятлар сари руҳлантириб юборди, — деди Ильич районидаги «Правда» совхозининг бригада бошлиғи М. Мирбобоева, — ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажаришга қарор қилган ташаббускорлар сафи районимизда тобора кўпайиб бормоқда. Пахтакорларимиз беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга бел боғлаганлар. Хусусан беш йиллиқнинг дастлабки йилидаёқ пахта етиштириш ўтган йилдагидан ўн минг тонна кўпаяди.

Ўнинчи беш йилликда Сирдарё областида пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам ривож топади. Давлатга дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотиш кўпайтирилади. Жамоат чорвачилиги кескин ривожланади. 1980 йилга бориб областда қорамоллар сони 76 минг бошга, сут етиштириш 38 минг тоннага, гўшт 8 минг тоннага, тухум етиштириш эса 50 миллион донага етади.

Докладчи ва шунингдек музокарада сўзга чиққан Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг звено бошлиғи Т. Алишева, Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари Т. Мухсимова ва бошқа ўртоқлар КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ташкилотлари жанговарлигини, сафарбарлик ролини, коммунистларнинг активлигини, ташаббускорларни ва ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини янада ошириш лозимлигини уқтирдилар.

Область меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида Ватанга 355 минг тонна пахта, 116,5 минг тонна дон, 7,2 минг тонна гўшт, 37 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу ғоят катта аммо муваффақиятли амалга ошириладиган вазифадир. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини ана шу вазифалар асосида ташкил этишлари зарур.

Партия активи йиғилиши қабул қилган резолюцияда область коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди қарорларини яқдиллик билан тўла-маъқуллагани ўз аксини топди.

Область партия активи йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Область партия активи йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

**А. УМАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### НАМАНГАН

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлгани каби Наманган области меҳнаткашлари ҳам жонажон партиямиз XXV съезди руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Съезд қарорлари область меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан съездда қилган Ҳисобот докладидаги қоида ва хулосаларни сидқидиллик билан қабул қилиб, тўла-тўкис маъқулламоқдалар.

24 март куни бўлиб ўтган область партия ташкилоти активи йиғилишида ана шулар зўр қониқиш билан таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари партия Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар. Актив йиғилишида область партия комитетининг биринчи секретари М. К. Камолов «КПСС XXV съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар партиянинг ленинчи йўлини жадиллик билан маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюронинг фаолиятига юксак баҳо бердилар. Ўнинчи беш йиллик учун партия белгилаган режаларнинг ҳаётийлиги, реаллиги ва чуқур илмий характери таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир нотиқ янги беш йилликда область халқ хўжалигини ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш тўғрисида ўзининг фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Ўнинчи беш йилликда область саноати тез суръатлар билан ривожланади. Беш йиллик охирига бориб ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 700 миллион сўмликка етади. Бошқача айтганда тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилидагига қараганда 130 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади. Областда бир қатор янги саноат корхоналари, жумладан Поп районида нотўқима газламалар фабрикаси, Чўст тикувчилик фабрикаси, Чортоқда консерва заводи ва бошқа бир қатор объектлар қуриб ишга туширилади.

Область саноатчилари янги беш йилликнинг биринчи йилини яхши бошладилар. Икки ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Саноатчилар планга қўшимча тарзда 6,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришдилар.

Қишлоқ хўжалигини, айниқса етакчи тармоқ бўлган пахтачиликни тез суръатлар билан ривожлантириш область партия ташкилотининг ўнинчи беш йилликдаги муҳим вазифасидир. Беш йиллик охирига бориб бу ерда пахтанинг ялпи ҳосили ярим миллион тоннага, шу йилнинг ўзида эса 440 минг тоннага етказилади.

Областдаги барча хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, Учқўрғон районида бу йил ҳосилдорликни гектарига 4 центнер кўпайтириб, ялпи маҳсулот 65 минг тоннага етказилади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва ихтисослаштириш режалари амалга оширилади. Бу эса деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради. Наманганликлар КПСС XXV съезди қарорларига жавобан бу йил 113,5 минг тонна дон, 67 минг тонна сабзавот, 187 минг тонна полиз маҳсулотлари, кўплаб мева, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва сотиш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилишди.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш партия ташкилотларининг жанговарлиги ва сафарбарлик ролини янада кучайтиришни, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги ва ташаббускорлигини оширишни талаб қилади. Партия активи йиғилишида музокарада сўзга чиққан Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Азимов, Тўрақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари М. Бобохонов, Уйчи район партия комитетининг биринчи секретари А. Эгамбердиев, Норин пахта тозалаш заводининг ишчиси Л. Шкирко, Янгиқўрғон район ижроия комитетининг раиси Б. Ҳакимов, Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жўраев, Задарё районидаги 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бульдозерчиси Э. Содиқов ва бошқа ўртоқлар ўнинчи беш йилликда область халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг муваффақиятли бажарилиши учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, қийдан бўладиган фойдали ташаббусларни оммалаштириш коллектив мулкига айлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини янада яхшилаш зарурлигини айтдилар.

Йиғилиш резолюциясида КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюронинг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла-тўкис маъқулланди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан таб рикнома йўлладилар

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**АНДИЖОН.** Шаҳардаги таксомотор паркининг илғор шофери, коммунистик меҳнат зарбдори Турғунбой Иброҳимов ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили биринчи кварталн топширигини барвақт бажарди. Суратда: моҳир ҳайдовчи Т. Иброҳимов. Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

## СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23-24 март кунлари Москвада совет хотин-қизлари комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан ва республикаларидан келган 500 дан кўпроқ вакила КПСС XXV съезди қарорлари муносабати билан комитет олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова ўз докладида КПСС XXV съезди совет жамиятининг коммунизм йўлидан ривожланиб боришида янги тарихий марра бўлиб, жуда катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини айтди.

Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар съезд партия билан халқнинг монолит бирлигини, коммунистларнинг КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро теварагига жипслашганлигини намойиш қилганлигини таъкидладилар.

Пленум иштирокчилари қабул қилган резолюцияда КПСС XXV съезднинг қарорлари тўла-тўкис маъқулланди ҳамда рахбарлик ва оғишмай амалга ошириш учун дастур деб қабул килинади. Совет хотин-қизлари партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш, социалистик Ватаннинг куч-қудратини мустаҳкамлаш, ер юзида мустаҳкам тинчликни қарор топтиришга бутун куч ва билимларини бағишлашни ўзларининг ватанпарварлик бурчи деб биладилар.

Пленум иштирокчилари қабул қилган баёнотда тинчлик, халқларнинг миллий озодлиги, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашда планетамиздаги барча хотин-қизлар билан бирдамлик изҳор этилади.

Пленум барча совет хотин-қизлари номидан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўллади.

## СОВЕТ АДАБИЁТЧИЛАРИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати Москвада ўз ишини тамомлади. Секретариат кун тартибида КПСС XXV съезди ва мамлакат ёзувчилар ташкилотининг вазифалари масаласи бор эди. Правлениенинг биринчи секретари Г. М. Марков ахборот берди.

Совет адабиётчилари, дейилади секретариатда қабул қилинган қарорда, КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини зўр мамнуният ва шонли Коммунистик партиямиз учун фахрланиш ҳисларига тўлиб кутиб олдилар. Санъаткорлар бу қарорларни социалистик Ватанимизни равнак топтириш, тинчликни мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларнинг бахт-саодати тўғрисида, адабиёт ва санъатни ривожлантириш ҳақида тинимсиз ғамхўрликнинг ифодаси деб биладилар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати партия Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш, партиянинг ленинчи йўлини, Тинчлик программасини рўёбга чиқариш соҳасидаги фаолиятини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини мамлакатдаги барча адабиётчилар номидан изҳор этди.

Совет ёзувчилари янги кишини тарбиялашда, совет ҳаёт тарзини, коммунистик жамият бунёдкори бўлган меҳнаткаш инсоннинг қаҳрамонона ишларини кўрсатиб берувчи асарлар яратишда Коммунистик партияга актив ёрдам беришни ўзларининг юксак ва фахрли бурчи деб ҳисоблайдилар.

Секретариат КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш юзасидан тадбирлар планини белгилади.

(ТАСС мухбири).

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

ЛОНДОН, 24 март. (ТАСС). Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон бугун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат давомида Совет — Англия муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар хусусида, шунингдек бир қанча миллий халқаро проблемалар тўғрисида фикрлашиб олинди. Суҳбат амалий ва конструктив равишда ўтди.

А. А. Громико билан Буюк Британия ташқи ишлар министри Ж. Каллагэн ўртасидаги музокаралар бугун шу ерда давом эттирилди ва тугалланди.

## СОВЕТ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

24 март куни Москвада Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети президиумининг кенгайтирилган мажлисида КПСС XXV съезди қарорлари асосида комитет олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Нотиқлар совет тинчлик тарафдорлари, барча совет кишилари партия XXV съезднинг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни қизғин маъқуллаётганликларини ва уларни ҳаракат учун қўлланма деб қабул қилганликларини айтдилар.

Яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда совет тинчлик тарафдорлари тинчлик ва хавфсизлик учун курашда жамоатчилик оммавий ҳаракатининг ўсиб боратган ролига ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида берган юксак баҳони оқлаш учун бутун кучларини бағишлайдилар, деб таъкидланади. Ҳозирги вақтда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун кураш тўғрисидаги янги Стокгольм чақириғини қўллаб-қувватлаш мақсадида оммавий кампанияни қучайтириш биринчи навбатдаги вазифалардан бири эканлиги уқтириб ўтилди. (ТАСС).

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

## *ДЎСТЛИК МЕВАЛАРИ*

Болгария ва Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик кун сайин ривожланиб бормоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигида, фан ва маданият соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларнинг барчасида Совет Иттифоқининг роли ҳамда хизмати жуда каттадир.

Болгария Халқ Республикаси ва СССР кимёгарлари ўртасида дўстлик алоқалари жуда мустаҳкам. Совет Иттифоқининг ёрдамида мамлакатимизда биринчи химия корхоналари барпо этилди. Ҳозирги кунда эса Совет Иттифоқининг ёрдамида қурилаётган ўнга яқин йирик корхона ишга туширилиш арафасида. Дмитровграддаги химия комбинати, Довна шаҳридаги кальцийли сода ишлаб чиқарувчи завод ана шулар жумласидандир.

Фан соҳасида ҳам ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб боряпти. Совет ва болгар кимёгарлари 24 мавзуйича 11 илмий проблемани ишлаб чиқдилар. Булардан бири «Жигули» енгил автомашинаси учун юпқа деталлар тайёрлаш методининг юзага келтирилишидир. Болгария кимёгарлари ишлаб чиққан янги технологиядан фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ошди, детални қайта ишлаш жараёнида меҳнат сарфлаш 15-20 процентга қисқарди.

Ўтган йили 1976—1980 йилларга мўлжаллаб химия саноатидаги корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш бўйича икки томонлама шартнома имзоланди. Бу шартнома ҳозир дастлабки самаралар бера бошлади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фақатгина химия соҳасидаги иккала мамлакат ўртасидаги маҳсулотлар алмашиш 1980 йилга келиб деярли икки баравар ошади.

«София—пресс».

## Ф. Ал-КАДДУМИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАҒДОД, 24 март, (ТАСС). Синай ярим оролида Миср билан Исроил қўшинларини бир-биридан йироқлаштириш тўғрисида тузилган иккинчи битим Қўшма Штатларнинг араблар бирдамлигига зарба уриш ва араб-совет дўстлигини барбод қилиш мақсадида ўтказаётган босқичма-босқич сиёсати натижаси бўлди, деди Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Форуқ Ал-Каддумий.

Фаластин вакили «Тарик аш-Шаоб» газетасининг мухбири билан суҳбатда бу битим араблар дунёсидаги воқеаларнинг салбий оқибатларининг ривожланишига, жумладан Ливандаги танглигнинг кучайишига олиб келди, деди.

Араблар дунёсидаги миллий тараққийпарвар кучлар АҚШ билан муросасозлик сиёсати хусусида ягона позицияда туришлари лозимлиги шубҳасиздир, деб таъкидлади у. Фаластин революцияси ҳам империалистларнинг бу сиёсатини фош қилишга интилмоқда.

Ал-Каддумий социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Фаластин Озодлик ташкилотининг ва араб халқининг одилона курашини қўллаб-қувватлаётганликларини юқори баҳоладди, бу қўллаб-қувватлаш Фаластин Озодлик ташкилотининг халқаро майдондаги, халқаро ташкилотлардаги, БМТ ва Хавфсизлик Кенгашидаги позицияларини мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшаётганлигини айтди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Прагада Чехословакия — Совет медицина кунлари бошланди. Унинг программасида биргаликда семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу тадбирларда ҳар иккала мамлакат медицина ходимлари ўз билимлари ва тажрибаларини ўртоқлашадилар. Юрак-томир касалликлари, онкология ва фармацевтика проблемаларига алоҳида эътибор берилади.

Чехословакия билан Совет Иттифоқининг соғлиқни сақлаш ва медицина соҳасидаги алоқалари ҳамиша ривожланиб, бойиб бормоқда. Масалан, ушбу беш йилликда ҳар иккала мамлакат олимлари 31 та катта проблемани биргаликда ишлаб чиқадилар.

◆ МАДРИД. Испаниянинг жанубидаги Малагада нолегал касаба союз ташкилотларининг ташаббуси билан меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураш куни ўтказилди. Ун мингдаб ишчилар, хизматчилар, давлат мактабларининг ўқитувчилари, студентлар иш ҳаки дарҳол оширилишини, белгиланган вақтдан ташқари ишлаш бекор қилинишини, гарантияланган отпуска берилишини ва ишсизлик нафақаси нўлайтирилишини талаб этдилар.

◆ ТОКИО. Мамлакат меҳнаткашлари ҳозирги баҳор мавсумидаги курашнинг ҳал қилувчи пайтида Япония транспорт ходимлари ягона фронт бўлиб майдонга чиқадилар. Мамлакатдаги транспорт ходимларининг бешта асосий касаба союз бирлашмаларининг раҳбарлари Осакада бўлиб ўтган мажлисда шундай қарорга келди. Бу касаба союзлари ўз сафларида 600 минг аъзони бирлаштирган. Транспорт ходимлари биргаликдаги забастовка ҳаракатининг дастлабки курашини апрель ойининг ўртасида бошлашни мўлжалламоқдалар. Бунда давлат ва хусусий темир йўллар касаба союзлари, хусусий транспорт компаниялари, муниципал транспорт ходимлари иштирок этадилар. (ТАСС).

✦ ХАЛҚ НАЗОРАТИГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК
✦ САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ
✦ КПСС XXV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
✦ НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ШАРАФЛИ ВАЗИФАСИ

Планнинг бажарилиши ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш халқ назоратчиларининг муҳим вазифаларидан бири. Тошкент ГРЭСи халқ контроли группаси бу соҳада ибратли ишлар қилмоқда. Планларнинг бажарилиши, тежамкорлик, самарадорлик ва сифат назоратчиларнинг диққат марказида бўляпти. Суратда: ГРЭС халқ назоратчиларидан (чапдан ўнгга) М. Хўжамёров, С. Светличная, Е. Патяко электр станцияси иш режимини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

# Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

## НАЗОРАТ ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Коммунистик партиямиз XXV съезди мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги босқичдаги вазифаларини белгилаб берди. Меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ўстириш, иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, сифат кўрсаткичини яхшилаш ўнинчи беш йиллликнинг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйилди. **«Ҳар бир сўмни, ҳар бир меҳнат соатини, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш — бизнинг юксак партиявий бурчимиздир. Зеро, биз ўзимиз учун энг азиз бўлган Ватан бойлиги ва қудрати йўлида, халқ фаровонлиги ва равнақи йўлида тежаймиз»,** — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисобот докладида.

Партиямиз олга сураётган бу вазифалар съезд руҳи билан яшаб меҳнат қилаётган барча совет кишилари қатори шаҳримиз меҳнаткашларининг ҳам муҳим вазифаси бўлиб қолди. Ўнинчи беш йиллики муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашнинг олдинги сафларида бораётган халқ назоратчилари съезд материалларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, ундан келиб чиқадиган якун ва хулосалар асосида ўзларининг навбатдаги иш режаларини белгилаб олмоқдалар. Халқ контроли комитети ва группалари, ҳар бир халқ назоратчиси модий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни тугатиш, ишлаб чиқаришда самарадорлик ва сифат кўрсаткичини кескин оширишга эришиш учун мунтазам изланишда.

Назорат коллективлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ меҳнат унумдорлигини ва самарадорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган янги-янги резерваларни топиб ишлаб чиқаришда кенг жорий қилмоқдалар. Ана шу ишларнинг борини халқ назорати остига олинган. Комплекс текширишлар, рейд ва кўрикларда меҳнаткашлар оммасининг турли табақалари вакиллари актив иштирок этаётирлар. Комсомол прожектори отрядлари, сифат инспекцияси, давлат стандарти ва баҳолар комитети органлари, молия-банк ҳамда статистика ташкилотларининг ходимлари ишимизга айниқса самарали ва таъсирчан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетлари ва группалари текшириш ва рейдлар ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган барча ишларни марказлаштириш мақсадида махсус бўлим ва секторлар ташкил қилишди. Бу бўлимлар жойларда КПСС XXV съездининг самарадорликни ошириш, сифат кўрсаткичини яхшилаш юзасидан белгилаб берган вазифалари қандай бажарилаётганлигини мунтазам назорат қилиб борадилар. Улар шунингдек текшириш ва рейдларга тайёргарлик кўришнинг муҳим шартларидан ҳисобланган статистика ҳужжатларини, рекламацияларни, меҳнаткашларнинг хатлари, шикоятлари ва таклифларини ҳам ўрганадилар. Халқ контроли комитетлари группа ва пост аъзолари активлигини оширар эканлар, айни вақтда уларга маҳсулот сифати устидан тўғри назорат ўрнатишнинг усул ва услубларини ўргатадилар.

Халқ контроли органлари қарорлар ижросини таъминлаш ва ижрони текшириш ишини янада яхшилаш мақсадида аввал текшириш ўтказилган жойларда яна бир карра рейд ёки текшириш уюштириш тажрибасини ҳам кенг қўлламоқдалар. Бу усулнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги ўнинчи беш йилликнинг дастлабки ойларидаёқ яккол кўриниб қолди.

Ўтган йили шаҳар меҳнаткашларидан Тошкент газ аппаратлари заводида тайёрланаётган маҳсулот сифати талаб даражасида эмаслиги ҳақида шикоят хати олинган ва шу юзадан чуқур текшириш ўтказилган эди. Текширишда шаҳар халқ контроли комитети ходимлари билан бирга давлат стандарт комитети мутахассислари ҳам актив қатнашдилар. Натижада бу корхонада газ плиталарининг базъи қисмлари технологик жиҳатдан сифатсиз тайёрланаётганлиги, технология ҳужжатлари пала-партиш тўлдирилаётгани, стандарт талаблари қўпол тарзда бузилаётгани ва ҳатто қисмларни тайёрлашда лойиҳага зид иш қилинаётгани маълум бўлди. Комитет текшириш якунларини атрофлича муҳокама қилиб, завод раҳбарларига нисбатан қаттиқ маъмурий чора кўрди ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан конкрет ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифасини топширди. Завод халқ контроли группаси маҳсулот сифатини қатъиятлик билан ўз назорати остига олди. Шаҳар халқ контроли комитети вақти-вақти билан ўзи қабул қилган қарор ижроси қандай бажарилаётганлигини текшириб турди. Натижада завод 1973 йилда ташкилотлардан бешта, 1974 йилда учта рекламация олган бўлса, якунловчи йилда маҳсулотнинг сифатсизлиги ҳақида бирорта ҳам хат ёки шикоят келгани йўқ.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ҳар соҳада тежамкорлик ва иқтисод қилиш режимини қатъиятлик билан амалга ошириш борасида Ленин районидаги бир қатор корхона ва қурилиш ташкилотларида намунали иш олиб борилмоқда. Халқ назоратчиларининг актив ҳаракати натижасида, шунингдек назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги оширилаётгани сабабли ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунларидаёқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатида кескин ўзгариш ясалди. Ҳозир район бўйича саноат маҳсулотларининг 44 тури давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда, 12 тури эса Сифат белгиси олиш учун тақдим этилган. Халқ контроли комитети ва группалари ташаббуси билан корхона ва қурилиш ташкилотлари ходимларининг кўпчилик қисми фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатига актив қўшилган.

Ҳар бир ишчи, ҳар бир қурувчи ўзи намунали меҳнат қилиши билан бирга, корхона ёки ташкилотда рўй бераётган камчиликларни тугатишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Аввалги йилларда тажриба-механика заводининг қуюв цехида кўплаб алюминй қуйилмалар сифатсизлиги учун чиқитга чиқарилар эди. Завод халқ контроли группаси бу ишни ўз кўлига олди. Меҳнат коллективларининг барча аъзолари камчиликни тугатиш ишига актив қўшилдилар. Бир қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилгандан сўнг брак маҳсулот тайёрлаш анча камайди. Ҳозир корхонада тайёр маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топшириш системаси жорий қилинган.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группаси активлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга изчиллик билан киришдилар. Уларнинг актив иштироки билан тўққизинчи бош йилликда бирлашма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар, меҳнат унумдорлиги 80 процент кўпайган, маҳсулот сифат даражаси анча ошган эди. Ҳозир авиабирлашмада 105 та группа ва 153 та халқ контроли постлари иш олиб бормоқда. 2500 га якин ишчи ва мутахассислар халқ назоратчиларидир. Группа ва бюроларга энг тажрибали ишчилар, малакали инженер ва техниклар, партиявий-ташкилий ишларда бой тажриба тўплаган коммунистлар сайланган. Халқ назоратчиларининг ташаббуси билан бу ерда маҳсулот сифатини назорат қилишнинг Саратов методи қўлланилмоқда. Ҳозир заводдаги ҳар бир халқ назоратчиси, ҳар бир ишчи ва техник ана шу метод талаблари билан яхши танишган. Шу кунларда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 95 процентдан кўпроғи бирор нуқсонсиз, биринчи тақдим этишдаёқ топширилаётир.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетлари меҳнат унумдорлигини ўстириш, иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичини яхшилаш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш юзасидан актив иш олиб бораётган халқ контроли группалари ва постларига вақтида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Энг яхши группаларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Халқ назоратчиси эндиликда совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, халқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантириш учун курашда партия ташкилотларининг актив ёрдамчиси бўлиб қолмоқда.

**Ф. НАЗРУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.**

## РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЕМИНАР-КЕНГАШ

АНДИЖОН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Бу ерда халқ назоратчиларининг республикаларараро семинар-кенгаши бўлди. Семинарда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари халқ контроли комитетларининг қишлоқ хўжалик бўлими мудирлари, Ўзбекистон ССРдаги барча область халқ контроли комитетларининг штатли ва штатсиз қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг қишлоқ ва сув хўжалик бўлими мудири М. Мирқосимов, Тожикистон ССР Ленинобод область халқ контроли комитети инспектори Ж. Абдуғомонов, Туркманистон ССР халқ контроли комитети қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг мудири Ж. Бектемиров ва бошқаларнинг нутқини тингладилар.

**А. ҚУРОНБОЕВ.**

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Ўнинчи беш йиллликнинг биринчи квартали ҳам охирлаяпти. Партия XXV съезди руҳи билан яшаб, меҳнат қилаётган республикамиз меҳнат аҳлининг бутун диққат-эътибори ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган. XXV съезд бу беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб белгилади. Шу муносабат билан газетамиз халқ контроли саҳифасида сифат ва самарадорликни ошириш юзасидан жойларда қилинаётган ишлар ҳақидаги мақолаларга кенг ўрин ажратади. Бугун биз Тошкент шаҳридаги 1-пойафзал фабрикасининг бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати Н. Авиловага сўз берамиз. Ўнинг республика пойафзал саноатида маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини диққатингизга ҳавола қиламиз.**

Яқинда бир воқеанинг шоҳиди бўлдим. Юмуш билан Тошкентдаги Марказий универсал магазинига бориб, қайтишда ўз қўлимиз билан тиккан туфли ва ботинкалар сотилаётган бўлимга кириб ўтдим. Не кўзим билан кўрайки, пештахталарда тахланиб ётган турли хил пойафзалларни чанг босганди. Бу ерда фақат бизнинг корхонамиз маҳсулотигина эмас, Тошкентдаги иккинчи, шунингдек Янгийўл ва Қўқон шаҳарларидаги пойафзал фабрикаларида тайёрланган туфли ва ботинкалар ҳам тахланиб ётарди.

— Кўринишн ҳам, сифати ҳам дуруст эмас, — деди сотувчи. — Бу ердагисину майли, омборхонада ана шундай пойафзаллардан канчадан-канчаси тақланиб ётибди. Рекламация ҳам ёзяпмиз, шикоят ҳам қиляпмиз, аммо сира фойдаси бўлмаяпти.

Унинг гаплари менга жуда-жуда таъсир қилиб кетди. Шу куни Тошкентдаги бошқа магазинларни ҳам эринмай кезиб чиқдим. Ҳамма ерда шундай аҳвол эди. Харидорлар пештахта устида турган туфлиларни қўлга олиб ,у ёқ-бу ёққа айлантириб, чармини эзиб кўришардан-да, сотувчидан Ленинград ёки Рига пойафзал фабрикаси маҳсулоти йўқми, деб сўрашарди. Харидорнинг қўлидан ўтган бояги туфли ёки ботинка эса яна пештахта устига қайтарди.

Шу кунлёк фабрикамиз раҳбарлари ҳузурига кириб, кўнглимдаги барча гапларни тўкиб солдим. Улар ҳам индамай тинглашди. Пойафзал сифатини яхшилаш учун бир неча йилдан бери зарур тадбирлар амалга оширилаётганн, ўнинчи беш йилликда ҳам шу жумладан бир қанча ишлар қилиш кўзда тутилаётганини сўзлаб беришди. Тўғри, менинг йигирма йиллик меҳнат кунларим даврида биринчи пойафзал фабрикасида ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан жуда кўп ишлар қилинди. Корхонанинг ўзи ҳам, кишилар ҳам ўзгарди. Кўп қаватли янги бино қуриб ишга туширилди, цехлар кенгайди, кўл меҳнати механизациялашди, автоматлашди. Фабрикамиз республикадаги илғор корхоналардан бири бўлиб қолди. Хозир бу ерда йилига 6,2 миллион жуфтдан кўпроқ 80 хилдан ортиқ турли пойафзаллар ишлаб чиқарилмоқда. Синтетикали ботинкамиз давлат Сифат белгисини олган. Бу йил ана шу белги остида 200 минг жуфтдан ортиқ ботинка ишлаб чиқариладн.

Бу ишлар дуруст. Самарадорликни ошириш юзасидан қилинаётган ишларни ҳар қанча мақтаса арзийди. Аммо, магазинларда тақланиб, бир неча ойдан бери харидор кутиб ётган пойафзалларимизни кўрганда, кишиларнинг аччиқ-қуруқ гапларини эшитганда, одамга жуда-жуда алам қилиб кетар экан. Хўш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ишлари аъло даражада-ю, нима учун сифатда орқада қоляпмиз. Нега биз тикаётган туфли, сандолет, ботинка ва этиклар Москва, Ленинград, Рига пойафзал фабрикалари маҳсулоти сингари харидоргир бўлмаяпти. Бу ишдаги камчиликларни тугатишимиз учун яна нималар қилмоғимиз зарур? Яна қандай муаммолар ҳал этилмоғи керак?

Куни кеча бригадамиз аъзолари бир ерга тўпланиб ана шулар ҳақида суҳбатлашдик. Ҳар ким ўз дилидаги гапларни, фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлади. Аслини олганда бизнинг бригадамиз фақат биринчи цехдагина эмас, фабрикадаги энг илғор бригадалардан бири. Ҳозир беш йиллик топширинни уч ярим кунда, беш йиллик планни эса уч ярим йилда бажариш шиори билан меҳнат қилямиз, Фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш, маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топшириш ташаббуси ҳам бизнинг бригадамиздан бошланган. Бригадамиз аъзоларининг ҳар бири ўз-ўзига назоратчи, ҳар ким ўзининг шахсий сифат тамғасига эга. Тежамкорлик ва иқтисод қилишда ҳам олдиндамиз. Бригадамизда тўқкизинчи беш йилликда тежаб қолинган 215 минг квадрат дециметр хром чармдан 10,7 минг жуфт пойафзал тикилди. Бу беш йилликда ҳам 273 минг квадрат дециметр хром чарм тежаб қолмоқчимиз. Галина Орловская, Фаина Шоймардонова, Фотима Назирова, Александра Соколова каби бичиқчиларимиз ҳар соҳада олдиндалар.

...Ҳаммамизнинг фикримиз бир ердан чиқди. Энг аввало цехлар ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлашимиз, бир-бировимизнинг ишимиздан доим кўз-қулоқ бўлиб туришимиз лозим. Бусиз сифатга эришиб бўлмайди. Мана мисол, фабриканинг механика цехи бизнинг коллектив учун чарм кесадиган штанцлар тайёрлаб беради. Цех ойлик ва квартал планини мунтазам ошириб бажарляпти. Аммо, сирасини айтганда сон кетидан қувиш натижасида сифат унутилиб қолмоқда. Чарм кесадиган пўлат пичоқларнинг тиғи тез едирилиб кетади. Натижада бичилаётган чармнинг четлари юқалашиб, едирилиб, охори кетиб қўлдан чиқяпти. Аминманки, бичилган ана шундай чармдан сифатли маҳсулот чиқмайди. Ёки елимлаш жараёнини олайлик. Шу иш билан шуғулланадиган ишчилар елимнинг сифатидан нолишгани нолишган. Бурноғи йили ҳам, ўтган йили ҳам елим сифатини яхшилаш тўғрисида жуда кўп гаплар айтилди. Деярли ҳамма йиғилишларда, ҳамма нотиқларнинг сўзларида ана шу масала тилга олинди. Бу йилги йиғилишларда ҳам яна ичпоқ, яна елим, яна рант масаласи кўтариляпти. Гапирилаяпти-ю, бироқ амалий ишга келганда қуруқ сўздан нарига ўтилмаяпти. Биз партия ташкилоти, маъмурият, халқ контроли органлари ана шуни ўз диққат-эътиборларида доимо сақлашларини истардик.

Энди ишонч ва масъулият ҳақида икки оғиз сўз. Бизда ишчи қучидан, ишчи меҳнатидан қадрли ва қимматли нарса йўқ. Ишчига ишонч катта. Бироқ орамизда шундай кишилар ҳам борки, ана шу ишончни суиистеъмол қилиб, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, коллектив манфаатига зарар етказяптилар. Баъзилар қўл учида, вақт ўтса бас деган қабилда ишлашади. Энг муҳими, қимматли иш соатларини икир-чикир юмушлар билан бекор ўтиб кетяпти. Улар смена нормасини бажариш учун ҳаракат қилишади-ю бироқ сифатни эсдан чиқаришяпти. Сифат улар учун иккинчи даражали нарса бўлиб қолмоқда. Биринки минутга деганларидек, бу ҳам ўз навбатида маҳсулот сифатининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Сифатли ботинка ва туфлилар тайёрлаш энг аввало хом ашёнинг сифатли бўлишига боғлиқ. Корхонамизни, умуман республикамиздаги барча пойафзал фабрикаларини Самарқанд, Қўқон кўн заводлари, Тошкентдаги кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси, баъзан Киров кўн заводи маҳсулотлар билан таъминлайди. Тўғрисини айтанда, баз бу маҳсулотлар сифатидан рози эмасмиз. Чармларнинг қалинлиги, пишиқлиги ГОСТ талаблари даражасида бўлмаяпти. Баъзан корхонамизга шундай хом ашёлар ҳам келтириладики, уларнинг таҳи бузилганида жуда кўп чарм нинг илма-тешик бўлиб ётганини кўрамиз. Бундай сифатсиз хом ашёдан сифатли пойафзал тикиб бўлмаслиги аён. Ҳозир ҳам корхонамиз омборида 1 миллион 740 минг квадрат дециметрдан ортиқ ишлатиб бўлмайдиган чарм тақланиб ётибди. Бу-лар Самарқанд, Қўқон кўн заводлари маҳсулотидир. Бундай аҳволдан республика Енгил саноати министрлиги ҳам хабардор. Эшитишимизча, министрлик коллегияси бир неча марта ана шу масалани муҳокама қилган, кўн заводлари жойлардан кўплаб рекламациялар ҳам оляпти, жарималар ҳам тўлашмоқда. Бироқ, аҳвол эса ўзгармай қоляпти.

Ўнинчи беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Бу йил фабрикамиз коллективи 6,2 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа авж оляпти. Биз истардикки, фабрикамизда ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимлари сифатлилиги, чидамлиги ва кўркамлиги билан кишилар олқишига сазовор бўлсин. Буига эришиш учун эса ҳар биримиз юксак масъулият сезиб меҳнат қилишимиз керак.

**Н. АВИЛОВА,**
**Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати.**

## РАССОМ ХАНДАЛАРИ

**«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»** Риштон район бирлашмаси маъмуриятн маҳсулотларни реализация қилишда ант баҳоларининг бузилишига йўл қўймоқда. Масалан, колхоз, совхоз ва бошқа ташкилотларга сотилган 2,1 миллион донадан нўпрок гиштнинг маркаси ўзгартирилиб, ҳар 1000 донаси 31 сўм 50 тийин ўрнига 34 сўм 20 тийиндан сотилган. Бирлашма бошқа турдаги маҳсулотларни реализация қилиш интизомини ҳам бузмоқда. (Текшириш якунларидан).

**ТЕЖАМКОРЛИК** — самарадорликнинг асосий шартларидан бири. Бироқ, Андижон областидаги бир қатор корхоналарда бунга риоя қилинмаяпти. Масалан, электр энергиясидан пала-партиш фойдаланилгани сабабли 31 та корхона 163,7 минг сўм жарима тўлади. 13-гишт заводлари бошқармаси эса пландагидан 559 минг киловатт-соат кўп электр энергияси сарфлаган. (Текшириш якунларидан).

**СУРХОН** — Шеробод чўлларини ўзлаштиришда мелиорация ишлари асосий ўрин эгаллайди. Бироқ, бу ишлар суст олиб борилмоқда. Ҳозир К-2-4, К-2-5, К-9-5 каби олтита коллекторнинг ярмига лой, вертикал қудуқлар эса сувга тўлиб қолган. «Сурхансовхозводстрой»нинг ишлаб чиқариш-қурилиш бирлашмаси ёр ишга етарли эътибор бермаяпти. (Текшириш якунларидан).

Енг ичидаги ишлар

Унинг «соғлоғи»...

«Қимирлаган қир ошар»миш...

## ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

### АНДИЖОН

Моддий ресурсларни вақти-вақти билан ҳисобга олиб бориш ва яхши сақлаш тежамкорлигининг муҳим шартларидан биридир. Андижон область халқ контроли комитети якинда шу иш бўйича оммавий текшириш ўтказиб, бир қатор корхона ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида рўй бераётган камчиликларни очиб ташлади. Рейд ўтказилган 24 та корхона ва ташкилотда жами 705 сўмлик қора металл, кабель, цемент, тахта ва ускуналар олинмай қолгани аниқланди. Ленинск шаҳар ун комбинатида 10 километр кабель, 127 та турли хил ускуналар очиқ ҳавода, ёмғир остида қолдирилган. Биринчи ва иккинчи паррандачилик фабрикалари, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозида ҳам ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Область халқ контроли комитети бу муҳим ишда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун Ленинск шаҳар ун комбинатининг директори Д. Ухановга қаттиқ выговор, ҳар иккала паррандачилик фабрикалари директорлари Аҳмедов ва Ҳожиназаровларга выговор эълон қилди.

### САМАРҚАНД

Область халқ контроли комитети аҳолига кино хизмати кўрсатиш аҳволини текширишдан ўтказди. Бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди. 400 дан ортиқ аҳоли яшайдиган пунктларда қулай бино йўқлиги сабабли доимий киноустановкалар ўрнатилган эмас. Кино хизмати кўрсатиш ва фильмлар рекламасини уюштиришда сифатга эътибор берилмаяпти. Текшириш пайтида бир қатор кинодирекциялар кинотомошабинлар сонини ҳисоботда ошириб кўрсатгани аниқланди. Кўпгина посёлка ва қишлоқларда меҳнаткашлар кино хизмати сифатидан қониқиш ҳосил қилмаяптилар. Область халқ контроли комитети оммавий текшириш якунларини муҳокама қилиб, ишда рўй бераётган камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини белгиладн.

### ФАРҒОНА

Область халқ контроли комитети 1975 йил бошларида азот ўғитлари ва химиявий толалар заводларида янги қувватларни ўзлаштириш ва фойдаланиш аҳволини ўрганган ва муҳокама қилган эди. Азот ўғитлари заводида ускуналарнинг тез-тез тўхтаб қолаётгани сабабли бир йил давомида 8 минг тоннадан кўпроқ аммиак ўғити нам ишлаб чиқарилгани, юк ортиш ва туширишишларини механизациялаш ва автоматлаштириш, минерал ўғитларни қатъий ҳисобга олган ҳолда жўнатиш ишларига эътибор камлиги, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган ишларга 197 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфлангани қайд қилинган эди.

Халқ контроли комитетининг текшириш якунлари ишлаб чиқариш кенгашларида, корхона цехлари коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинди ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилди. Яқинда область халқ контроли комитети ҳар иккала корхонада қайта текшириш ўтказиб, камчиликлар тугатилганлигини, химиявий толалар заводида халқ назоратчиларининг таклифи билан 15 та йигирув машинаси реконструкция қилинганн, ремонт сифати яхшиланганлиги, қувватлардан фойдаланиш коэффициенти сезиларли ошганлигини таъкидлади. Шунингдек, азот ўғитлари заводида ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш планда белгиланган даражага етказилган.

*Партия комитети ва халқ назорати*

## ТАЪСИРЧАН, САМАРАЛИ

Халқ контроли органлари бугунги кунда қўйилган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотларининг энг яқин ёрдамчиси, омма орасидаги ўткир кўзи, тежамкорлик ва иқтисод қилишни таъминлашда доимий назоратчиси бўлиб қолди. КПСС XXV съездида халқ назоратчиларининг қабул қилинган қарорларнинг бажарилишидаги роли алоҳида қайд қилинди. **«Халқ контроли органлари ижрони текшириш соҳасидаги ишларда муҳим ўрин тутадилар. Партия ташкилотлари бу органларнинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишлари, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак»,** — деб таъкидлади ўрток Л. И. Брежнев съездга Ҳисобот докладида.

Район партия ташкилоти XXV съезд қарорларига жавобан, халқ контроли ишини жонлантириш билан бирга барча хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга оширишда уларнинг ролини янада кучайтирмоқда. Якинда район партия комитетининг пленумида «Халқ контроли группа ва постларига партиявий раҳбарликни яхшилаш юзасидан бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари» муҳокама қилинди. Шунингдек, халқ контроли органларини тажрибали, ташкилотчилик ишларида бой тажриба тўплаган коммунистлар билан мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланди. Ҳозир корхона, қурилиш, колхоз ва совхозларда иш олиб бораётган 52 та халқ контроли группасига 1572 назоратчи бирлашган. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сифатни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг боришини ўз назоратлари остига олишган. Бошланғич партия ташкилотлари вақти-вақти билан халқ контроли группа ва постлари ўтказган текшириш, рейд ва кўриклар натижасини муҳокама қилиб бормоқда. Партия йиғилишлари, партком ва бюро мажлисларида назоратнинг таъсирчанлигини кучайтириш тадбирлари белгиланмоқда.

Яқинда «Партия XXI съезди» колхози партия комитети халқ контроли группасининг фаолияти ҳақида группе раиси О. Кенжаевнинг ҳисоботини тинглади. Группанинг съезд қарорлари асосида колхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида назоратни амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлари маъқулланди. Халқ контроли группаси чигит экишга тайёргарлик, экиш мавсуми, ғўза парваришн, пахта йиғим-теримини сифатли ўтказиш, техника ремонти, меҳнат интизоми, ҳар бир соҳада тежамкорлик режимини амалга ошириш каби муҳим ишларни ўз назорати остига олади. Ҳар бир ишга сифат ва самарадорликни ошириш нуктаи назаридан ёндашилади.

Охунбобоев номли, Нариманов номли, Чапаев номли колхозлар, бўрдокичилик совхози, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошланғич партия ташкилотларининг халқ контроли группа ва постлари жанговарлигини ҳамда улар олиб бораётган текшириш ва рейдларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан ишлари ибратли бўлмоқда. Якинда ана шу хўжаликларда партия ташкилотларн тавсияси билан ҳайдов ва экиш техникасининг ремонти кўздан кечирилди. Халқ назоратчилари сифатсиз созланган трактор, сеялка ва бошка машиналарни тезда қайта ремонт қилишнн талаб этдилар. Уларнинг амалий фаолияти ва якиндан бораётган ёрдами билан барча экиш техникаси мавсумга тўла шай қилиб қўйилди.

Район партия комитети халқ назоратчилари фаолиятини давлат интизомини ва социалистик конунчиликни мустаҳкамлаш, хўжасизлик ва талон-торож ҳолларига чек қўйиш учун курашга йўналтириб турибди. Ҳозир халқ назорати меҳнаткашларни коллектив ва давлат мулкига доимий ғамхўрлик, ҳар қандай хўжасизлик кўринишларига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш омили ҳам бўлмоқда. Райком ходимлари вақти-вақти билан халқ контроли комитетлари ва группалари мажлисларида иштирок қилиб қарорлар ижросининг қандай таъминланаётгани, текшириш ва рейдларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигни ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан якиндан танишмоқдалар. Халқ контроли органлари кўтараётган энг муҳим вазифалар райком бюроси мажлислари кун тартибига киритилмоқда.

Халқ контроли активлари район партия ташкилотининг кадрлар резервида ҳам алоҳида ўрин эгаллайдилар. Энг яхши назоратчилар, ташкилотчилик ишларида тажриба тўплаган ходимлар раҳбарлик лавозимларига тавсия этилмоқда. Район партия комитети бюросининг ана шундай тавсияси билан Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Э. Мадримов район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи, паррандачилик фабрикаси халқ контроли группасининг раиси Ю. Каримов эса бошлиқ ўринбосари лавозимига тайинландилар.

Халқ контроли органлари қарорлар ижросини таъминлаш ва ижрони текшириш соҳасида район партия ташкилотининг энг яқин кўмакчиси бўлмоқда. Биз ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш борасида халқ назоратчиларининг барча имкониятларидан янада яхшироқ фойдаланамиз, кўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда уларга якинден ёрдам берамиз.

**М. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Урганч район партия комитетининг биринчи секретари.**

## АХБОРОТ

НАМАНГАН

### «ЎЗБЕК ШАКАРИ»

Оқжўхори экинлар ичида ҳам дони, ҳам ширали пояси, шунингдек сувсизликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Яхши парвариш қилинса, гектаридан 100 центнергача дон, кўп миқдорда тўйимли ва ширали кўкпоя олиш мумкин.

Кейинги йилларда областнинг қатор хўжаликларида бу экинни кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Халқ селекционерлари олимлар билан ҳамкорликда оқжўхорининг янги навларини яратмоқдалар. Янгиқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозида етиштирилган янги навга «Ўзбек шакари» деб ном берилди. У олдингиларига қараганда анча серҳосил, ширали ва тўйимлидир. «Ўзбек шакари»нинг ҳар гектаридан 717 центнердан ёки эски навга нисбатан 165 центнердан кўп кўкпоя йиғиштириб олинди.

### ЯНГИ КИНОТЕАТР

Тўрақўрғон районидаги Оқтош посёлкасининг қиёфаси йил сайин ўзгариб боряпти. Ҳар йили бу ерда кўплаб маданий-маиший бинолар, уй-жойлар қурилмоқда. Яқинда посёлка марказида яна бир муҳташам бино қад кўтарди. Бу қишки кинотеатр бўлиб, эндиликда областда аҳолига маданий кино ҳизмати кўрсатаётган муассасалар сони тўқсон биттага етди.

### ТУРСУНОЙЧИ ҚИЗЛАР

Чуст шаҳрида ёшларга касб-ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Унинчи беш йилликнинг дастлабки кварталида механизаторлар тайёрлаш мактабини юз нафар қиз тамомлаб чиқди. Механизаторлик гувоҳномаси олган турсунойчи қизлар районнинг колхоз ва совхозларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

### САЁҲАТ — ЖОНГА РОҲАТ

Кўрмаган жойларга саёҳатга бориб, ҳордиқ чиқаришга нима етсин! Шунинг учун ҳам область туризм ва экскурсиялар совети қишлоқ хўжалик ходимларининг саёҳатига махсус поездлар ташкил этмоқда. Яқинда 400 саёҳатчи тушган шундай поезд Закавказье республикалари бўйлаб сафар қилиб қайтди.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ТОШКЕНТ ЛИМОНИ

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда ва республикамиздаги бошқа хўжаликларда лимонзорларнинг вужудга келиш тарихи қизиқарли. Аслида Ўзбекистонда лимончиликка 1948 йили асос солинган. Ўшанда 32 хўжаликда, шу жумладан, Ленин номли колхозда ҳам усти ёпилган чуқурларга лимон кўчатлари ўтказилди. Лекин 1960 йили Ўзбекистонда лимон ҳосил бермайди, деган хулосага келинди. Негаки, биронта ҳам хўжаликда чуқурларга экилган лимонлар ўн икки йил мобайнида ҳосил қилмади. Лимонларни парвариш қилиш учун сарфланган қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ зое кетди. Бошқа хўжаликлар каби Ленин номли колхозда ҳам лимон ўстириш учун ортиқча овора бўлмасликка, лимон экилган чуқурларни кўмиб ташлашга қарор қилинди.

Зайниддин ака Фахриддинов битта чуқурдаги 25 тип лимонни теплицага кўчириб ўтказиш ва парвариш қилиш истагини билдирди. Бунга колхоз раҳбарлари розилик беришди. Шундай қилиб, 1960 йили теплицада лимон ўстирила бошланди. Бироқ бу билан мурод ҳосил бўлмаслигини Зайниддин ака яхши биларди. Энг муҳими — лимондан ҳосил олиш керак эди. Бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Зайниддин ака шу ҳақда ўйлади. Ниҳоят Ўрта Осиё шароитида ҳосил бермаётган мейер ва янги Грузия навли лимонларни пайванд қилиб чатиштириш натижасида 1967 йили «Ф-1 Тошкент» навли лимонни вужудга келтирди.

«Ф-1 Тошкент» навли лимон бир ёшда ҳосилга киради. Йил бўйи сурункасига ҳосил қилади. Беш ёшга кирган тупидан бир йилда ўрта ҳисобда 400 та, айрим тупларидан эса 800—900 та лимон олиняпти. Мевасининг вазни 100—600 грамм ўртасида. Таркибидаги кислотанинг миқдори эса 4,5 процентдан иборат. Ҳозир колхознинг лимончилик тажриба базасида ўстирилаётган ана шу навли лимоннинг беш юз тупи ҳосилга кирган. Бу-тур ҳар бир тупидан ўртача 242 тадан лимон олинди.

Зайниддин ака лимоннинг битта янги навини яратиш билан қаноат ҳосил қилмади. У янги нав яратиш соҳасидаги тажрибаларини тинмай давом эттирди. Ниҳоят, 1970 йили Грециянинг янги афон навини янги Грузия навига пайванд қилиб чатиштириш йўли билан лимоннинг Ўрта Осиё иқлимига мослашган ва мўл ҳосил берадиган яна бир янги навини яратди. Унинг номи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан «Ф-2 Юбилейний» деб аталди.

«Ф-2 Юбилейний» нави бир ёшдан бошлаб ҳосилга киради. Йил бўйи сурункасига ҳосил қилади. Тўрт яшар лимоннинг бир тупидан бир йилда 100—120 килограмм ҳосил олиш мумкин. Мевасининг вазни 400 граммдан 1800 граммгача ва таркибидаги кислотанинг миқдори 7 процентгача бўлади.

Ҳозир «Ф-2 Юбилейний» навли лимондан 700 тупи ўстирилмоқда. Шундан 200 тупи ҳосилга кирган. Ўтган йили ундан 120 мингта лимон олинди. 1975 йилнинг июль ойида бошланиб, 1976 йилнинг август ойида тугалланадиган бу йилги мавсумнинг ўтган даврида эса йиллик пландаги 100 мингта ўрнига 160 мингта лимон олинди. Яна 50 мингта лимон олиш мўлжалланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, колхоз лимончилари КПСС XXV съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашди. Лимоннинг ҳар икки навидан ҳосил олиш юзасидан белгиланган йиллик план съезд очиладиган кунгача ошириб бажарилди.

Яхши ният билан қилинган меҳнат колхоз ва унинг лимончиларининг шон-шуҳратини оширди. Ҳар икки нав лимон 1973, 1974 ва 1975 йилларда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг биринчи даражали аттестати ҳамда олтин медали билан мукофотланди.

Ленин номли колхоз илғари илғор сабзавотчилик хўжалиги сифатида маълум бўлса, эндиликда Ўзбекистон областлари ва Ўрта Осиё республикалари учун лимон кўчатлари етказиб берадиган база сифатида ҳам танилди. Ўтган даврда ҳар икки нав лимон кўчатидан республикамиз областларига 8000 та ва Ўрта Осиё республикаларига 1200 та жўнатилди. Ана шу кўчатлардан республикамиздаги колхоз ва совхозлардан ташқари, Олмаота шаҳридаги теплицада, Уш областидаги «Қорасув» совхозида, Тожикистон ССР Ленинобод районидаги Азизов номли колхозда, Озарбайжон ССР ва Кисловодскдаги теплица комбинатларида, Грузия ССР-даги Зелений мис тажриба станциясида лимонзорлар барпо этилди. Ҳозир республикамиз областларига жўнатиш учун яна 4 мингта лимон кўчати ўстириляпти.

Агар ҳозирги вақтда республикамизда тўққиз гектардан ортиқ майдонда лимонзорлар бўлса, бу йил унинг майдони 13 гектардан ошади. Колхозда 1,2 гектар лимонзор бор. 1976—1977 йилларда яна 4 гектар ерда лимонзор барпо этиш, 1980 йилга бориб эса лимонзорлар майдонини 7,2 гектарга етказиш мўлжалланмоқда.

Лимончилик колхоз учун фақат шуҳрат рамзи бўлиб қолмай, балки катта даромад манбаи ҳам ҳисобланади. Тўқкизинчи беш йилликда бу тармоқдан қарийб 600 минг сўм даромад, шу жумладан 400 минг сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Бу йил лимончиликдан 150 минг сўм даромад, шу жумладан 100 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Лимонзорда ғарқ пишиқчилик. Бу фақат қиш ва баҳор палласи учун характерли эмас. Лимон етиштириш бутун йил давомида бирдек давом этади. Инсон саломатлиги учун жуда зарур бўлган сервитамин, шифобахш неъмат аҳолига узлуксиз етказиб берилади.

**Ҳ. АБДУСАМАТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

Суратларда: Зайниддин Фахриддинов лимонзорда ва теплицада ўсаётган турфа гуллар.

А. Тўраев фотолари.

*Маданий мерос — бойлигимиз*

# МАНГУ МАШЪАЛАЛАР СЎНМАЙДИ

Октябрь революциясидан кейин Ўрта Осиёда монументал маданият ёдгорликлари пайдо бўла бошлаган эди.

В. И. Ленин монументал маданиятнинг халқ оммасини тарбиялашдаги аҳамиятини яхши тушунар эди. Кейинчалик ленинча план деб номланган монументал пропаганда планининг муаллифи ҳам В. И. Ленин бўлди. Монументал пропаганданинг ленинча плани Узбекистон маданиятида ҳам ўз аксини топди.

Монументал маданиятнинг биринчи ёдгорликлари жуда катта қийинчиликлар билан яратила бошланди. 1918 йилда Самарқандда Э. Руш томонидан Озодлик монументи яратилди. Бу ёдгорлик Совет ҳокимияти учун курашда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишланган.

В. И. Ленининг хотирасига бағишланган биринчи ёдгорликлар 1924 йилда Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида, Гоголь кўчасидаги ўрта мактабда, 1925 йилда Хивада, 1936 йилда Тошкентнинг Қизил майдонида ўрнатилди.

Шу тариқа маданиятимиз тарихида янги саҳифа очилди. Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида революциянинг кўзга кўринган намояндаларига, Совет ҳокимиятини ўрнатишда ҳалок бўлган революционерларга бағишланган ёдгорлик ва монументлар пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллиги арафасида Тошкентда доҳийимизга янги ёдгорлик ўрнатилди. Бу асар ҳақиқатан ҳам катта маҳорат билан бажарилган.

Совет Ўзбекистони пойтахти — Тошкентга қайси йўл билан келманг, ҳаво йўли биланми ёки темир йўл биланми — шаҳар билан биринчи танишув 14 Туркистон комиссари хотирасига ўрнатилган монументал ёдгорликдан бошланади.

Улуғ Ватан уруши олови бизнинг Узбекистон ерларигача етиб келмаса-да, уруш жароҳати шундай чуқур из қолдирдики, бу жароҳат ҳанузгача битиб кетмаган. Узбекистоннинг бир миллионга яқин азамат ўғлони Ватанни ҳимоя қилишда қатнашди. Улардан кўпчилиги қайтиб келмади. Бахтли ҳаёт кечираётган Узбекистоннинг миннатдор халқи ўз фарзандлари хотирасига бағишлаб кўплаб ёдгорликлар ва ёдгорлик ансамбллари ўрнатяптилар.

Фарғона областининг Қува районидаги «Правда» колхозида ана шундай ёдгорлик ўрнатилган. Ундаги мармар тахтачага зарҳал ҳарфлар билан 258 нафар жангчининг исми-шарифи битилган. «Правда» колхозининг 258 ўғлони Улуғ Ватан уруши фронтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уларнинг қабрлари Сталинград остоналарида ва Ленинградда, Украина ва Белоруссияда, Висла ва Дунай ортида! Аммо, қаҳрамонлар ўлмайдилар. Улар халқ хотирасида абадий яшайдилар ва қалблари мангу машъал бўлиб ёниб туради. Ана шундай ёдгорликлар ҳар бир шаҳар, район, колхоз ва қишлоқларда ўрнатиляпти. Уларнинг сони тобора ортиб боряпти. Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим колхоз ва қишлоқ Советларининг раҳбарлари эзгу ният билан ўз ҳамқишлоқлари хотирасига бағишланган ёдгорликлар ўрнатяптилар. Бироқ улар тегишли ташкилотлар билан келишмай ва ўзбилармончилик билан иш тутадилар. Суриштирмай-нетмай дуч келган архитектор ёки ҳайкалтарош билан шартнома тузиб, ёдгорлик ўрнатадилар. Бу ёдгорлик эса бадиий ва эстетик талабларга тўла жавоб бермайди.

Ёдгорлик — бу бир бадиий асар. Бадиий асар эса кишида эстетик завқ-шавқ уйғотади, уни тарбиялайди. Бадиий асарда бир-бирини такрорлашга асло йўл қўйилмаслиги лозим.

Ўрнатилаётган ёдгорликлар мангу туриши керак.

Республикамизнинг энг узоқ қишлоқларида ҳам ёдгорлик ўрнатилаётганда унинг лойиҳаси Узбекистон ССР Маданият министрлиги қошидаги бадиий эксперт кенгашига юборилмоғи лозим. Кенгашда лойиҳа кўриб чиқилиб, унинг аъзолари лойиҳани лозим топганларидан кейингина ёдгорликни ўрнатиш мумкин бўлади. Ана шу талабларга риоя қилинганидагина бадиий жиҳатдан юксак скульптура асарлари бойиб бориши мумкин.

**Қ. ҲИКМАТОВА,**
**Узбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти катта инспектори.**



# ГРИППГА ҚАРШИ ЯНГИ ВАКЦИНА

**Партиянинг XXV съездида экономикани ривожлантириш ва совет кишилари фаровонлигини яна да ошириш муҳим проблемалари тўғрисида гапирилди. Фанимиз шу масъулиятли вазифаларни ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқда. СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров съездда сўзлаган нутқида жумладан Ленинграддаги Б. П. Константинов номидаги ядро физикаси институтининг мутахассислари РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Пастер номли эпидемиология ва микробиология институтининг медиклари билан биргаликда гриппнинг олдини олишда ишлатиладиган янги вакцина яратганликлари ҳақида гапирди.**

Шу тадқиқот ишларининг мақсади — тозаланган грипп вирусидан концентрациялашган ўлик вакцина яратишдан иборатдир. Шу препарат синаб кўрилганида ҳозирги вақтда ишлатилаётган тирик грипп вакцинасига нисбатан афзаллиги маълум бўлди. Қисқаси шуки, шу вакцинани олган қишиларнинг жуда кўпчилиги гриппга чалинмайди.

Янги вакцинанинг яна бир фазилати шуки, аввал номаълум ва эпидемия вужудга келтирадиган грипп тури пайдо бўлганида товуқ эмбрионида бир мунча тез етиштирилиши, тўпланиши ва ўлдирилиши мумкин. Грипп эпидемияси тўхтаб турмайди. Шунинг учун ҳам препарат ҳосил қилиш циклини қисқартириш жуда муҳим.

Янги вакцина ясалаётганида грипп вирусини йиғиш ва тозалашнинг бир мунча тез, оригинал методидан фойдаланилади. Вирусологлар, физиклар ва технологларнинг муваффақиятли ҳамкорлиги натижасида шу метод келиб чиқди. Лекин ҳозирча лабораторияда вакцина ҳосил қилиш методидан уни саноат қўламида етиштиришни ташкил этишга ўтиш масаласи мушкул бўлиб турибди.

СССР ва РСФСР Соғлиқни сақлаш министрликлари аҳолини энг оммавий касалликдан ҳимоя қилувчи самарали восита излашга ниҳоятда муҳим аҳамият беради, вакцина лаборатория намуналарини чекланган миқдордаги кишилардагина синаб кўришни ташкил қилдилар.

Совет олимлари яратган самарали грипп вакцинасидан оммавий фойдаланиш сўзсиз шартларидан бири игнасиз инъекторлар воситасида эмлашдан иборатдир (вакцина тери остига юборилади). Кейинги йилларда мамлакатимизда шундай инъекторлар ишлаб чиқилди ва саноатимиз соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун етарли миқдорда тайёрлаб бермоқда. 1977 йил мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида янги вакцинани синаш мўлжалланади.

**П. БУРГАСОВ.**
**СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, СССР давлат бош санитария врачи, СССР медицина фанлари академиясининг академиги.**

(ТАСС).

## ОШҚОВОҚ

Унинг 120 дан ортиқ хили бор. Офтоб бўлса, бас, жой танламайди. Ошқовоқ дастурхон безаги бўлибгина қолмай, тиббиётда турли хасталикларга даво эканлиги азалдан маълум. Ундан тайёрланган ширковок чанқоқни босса, шарбати эса кўкрак оғриғи, йўтал, шамоллашга даво. Ибн Синонинг таърифича, ошқовоқ шарбати атиргул мойи билан қоришторилиб, унинг томчиси кулоқ, бурун, томоқка томизилса оғриқни қолдиради. Хатто миядаги оғриқни даволаш мумкин. Қуритилган ошқовоқ уруғи эса болаларда учрайдиган гижжани туширади.

Ошқовоқнинг хислати бугина эмас, у чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳамдир, витаминларга бой.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

### АНОР

Ўзида бой химиявий моддалар саклаши қадимдан тиббиёт оламини ўзига жалб қилиб келган. Анорда алколоидлар, витаминлар, крахмал, ошловчи моддалар ва турли хил минерал моддалар бор. Айниқса, анорнинг ширин хилига нисбатан нордон хили кўпроқ фойдалидир.

Анорнинг донини ёмғир суви билан истеъмол этилса, кон тупуришни тўхтатади. Бундан ташқари анор дони ошқозон, ичак касалликларини даволашда фойдаси катта. У хатто юрак фаолиятини ҳам яхшилайди. Айниқса, анор донаси асал билан қоришторилиб истеъмол этилса, ичак яраларига малҳам бўлади.

Анор пўсти гижжани ҳайдайди, ичбуруғни, кўз касаллигини даволайди.

### ИСИРИҚ

Бу — кўп йиллик ўсимликдир. Июнь ойида гуллайди. Иттифоқимиз бўйлаб кенг тарқалган исириқ ўз таркибида алколоид — гармин сақлаши билан бебаҳодир. Гармин медицинада кенг қўлланилади. Хусусан, гармин Паркинсон деб номланувчи (қалтироқ) касалликда қўлланилади.

Исириқ уруғи азалдан «минг хил дардга даво» сифатида қўлланиб келинади. Айниқса, халқ орасида асаб касаллигини, бод ва бошқа касалликларни даволашда кенг қўлланилган.

Исириқ бемор ётган хонада тутатилса, ҳавони зарарли микроорганизмлардан тозалайди. Исириқдан олинган алколоид — гармин 1847 йилда ватандошимиз (Россияда) Фритше томонидан кашф этилиб, гармин давлат фармакопиясидан даволовчи препарат сифатида ўрин олган.

**М. УСМОНОВ,**
**доришунос.**

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

# МАРДЛИК

Узбекистон Президиумининг Фармони билан хавфли жиноятчини қўлга туширишда вақтида кўрсатган мардлиги, фидокорлиги учун милиция лейтенанти Исроилжон Мадраҳимов «Жамоат тартибини кўриклашда аъло хизмати учун» медали билан мукофотланди. Исроилжон Мадраҳимов меҳнат коллективи ва шаҳар комсомол комитетининг йўлланмаси билан Андижон шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бўлимига келган эди. Қиска вақт ичида ўзининг қобилиятли ходим эканлигини кўрсатди. Бир неча ойдан сўнг энг яхши милиция ходимлари қаторида уни ҳам Тошкентдаги милиция махсус ўрта мактабига ўқишга юборишди.

Курсант Мадраҳимов аъло ўқиш билан бирга Тошкент шаҳар Фрунзе район ички ишлар бўлимида стажировкадан ўтди. Бир ой ичида милициянинг участка инспектори вазифасини бажарди. Шу вақт ичида ўндан ортиқ жиноятчиларни ва тартиббузарларни қўлга туширди, олтита жиноятни мустақил равишда фош этди.

Мактабни битиргач, Исроилжон Андижон область ички ишлар бошқармасида профилактика ишлари бўйича инспектор бўлиб ишлади. У «Милиция аълочиси» нишони билан тақдирланди. Кейин эса милиция лейтенанти Мадраҳимов ўз ўртоғини қутқариш вақтида яраланди.

Воқеа бундай бўлган эди. Милиция лейтенанти Мадраҳимов ва милиционер Сотволдиев Андижон шаҳри кўчаларида сокчилик қилиб юришарди. Кечаси улар бир аёлни тунамоқчи бўлган мастни жиноят устида қўлга туширишди. Аммо, жиноятчи коронғиликдан фойдаланиб, милиционерга пичоқ санчмоқчи бўлди. Исроилжон Мадраҳимов сўнгги дақиқада жиноятчининг қўлини ушлаб қолишга ҳаракат қилди. Воқеа шу қадар тез юз бердики, Исроилжоннинг пичоқ зарбасига ўзини тутиб беришдан бошқа иложи қолмаган эди. У дўстининг бўйнига санчилаётган пичоқ тиғини маҳкам ушлаб қолди. Тиғ суякка бориб қадалди. Шунга қарамай жиноятчи қўлга олинди.

Ҳозир тергов кетмоқда. Бир неча бор судланган жиноятчи Усмон Хўжаев якин орада бешинчи марта суд олдида жавоб беради.

Милиция лейтенанти Мадраҳимов касалхонада бир неча ой даволангач, сафга қайтди. Якинда ўртоқлари уни ҳукумат мукофоти билан муборакбод қилдилар.

**Ю. РЕШЕТНИК.**

Редактор
М. ҚОРИЕВ.


# Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

## Телевидение

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Физкультура ва спорт оммага. 20.10 — Театр ва замон. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Кўклам чорлайди. 22.55 — **Нур ва соялар** (бадиий фильм). 00.05 — МОСКВА. **Хоккей:** ШВЕЦИЯ — СССР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Қўғирчоқ спектакль. 12.10 — **Кичик ҳикоялар** (бадиий фильм). 17.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — Коммунистлардан ўрнак ол. 19.00 — МОСКВА. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Телефильм. 20.25 — **Қизлар** (бадиий фильм). 22.00 — Саноат, савдо, харидор (Тошкент). 22.30 — Кинопанорама. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Шифокор экрани. 19.30 — Концерт. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Рўёбга чиққан орзу** (бадиий фильм).

## Кино

**Саҳро ва чангалзорларда** — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00), «ЯНГИОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

**Хўрланганлар** — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

**Муҳаббат учун жиноят** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

**Есения** (2 серия) — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

**Бобби** — «ТИНЧЛИК» (13.00, 15.00, 17.30, 19.30, 21.30).

## СОҲИБКОР БАҲОРИ

Илиқ-иссиқ кунлар бошланиб баҳор фасли чинакамига ўз чиройини очмоқда. Ҳаваскор соҳибкорларнинг юмуши кўпайган кунлар бошланди.

**БОҒ ВА ТОМОРҚАЛАРДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҚУЙИДАГИ АСБОБ-УСКУНАЛАР СИЗНИНГ ЯҚИН МАДАДКОРИНГИЗ БЎЛАДИ:**

ер чопадиган белкуракла, кетмон, паншаха, ўғит сепадиган паншахалар, культиваторлар, ток қайчилар, металл ҳаскашлар, соҳибкорлик пичоқлари, гул қайчилар, болтачалар, даст арралар, бутоқ арралагичлар, ломлар.

**Асбобларнинг баҳоси 45 тийиндан 3 сўмгача.**

Соҳибкорлар учун махсус ишлаб чиқарилган асбоблар комплекти ёрдамида мевали дарахтларнинг ортиқча шохларини осон қирқиб ташлаш ва уларга чиройли шакл бериш мумкин. Ана шу асбоблар комплекти ток қайчилар, соҳибкорлик ва пайвандчилик пичоқларининг оғир неча хил намуналари, ихчам ва ўткир пичоқчалар, кичик қайроқ тошлардан иборат.

**Асбоблар термасининг баҳоси 13 сўм.**

**Богдорчилик ва томорқачиликда ишлатиладиган бундай асбобларни хўжалик моллари магазинларидан сотиб олиш мумкин. Хўжалик моллари ва гулчилик магазинларида сотилаётган минераль ўғитларни сотиб олишни унутманг.**

**«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА».**


СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03269. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 70.